

ТИЛ БИЛГАН ЭЛ БИЛАДИ

Бугун Бойсун туманиндағы 35-умумтағым мактабида "Тил билған эл билади" мавзусида вилоят семинар тренингги үтказилди.





Туман ва туманлардаги умумтаълим мактабларининг инглиз, француз, немис тилини фанлари ўқитувчилари иштирок этган семинарнинг очилиш маросимида сўзга чиқсан туман Халқ таълим бўлимининг хорижий тиллар методисти Шухрат Равшанов, бўлимининг табиий фанлар методисти Насрулло Қодиркулов, 35-мактаб директори Нарзулло Пардаевлар семинар иштирокчиларининг ишларига муваффақият тилаб, амалга оширилаётган ушбу ишлар таълим сифатини янада оширишга хизмат қилишини мамнуният билан таъкидлашди.





Шундан сўнг умумтаълим мактабларининг чет тили фани ўқитувчилари томонидан мактаб ўқувчиларига амалий машғулотлар ўтилди. Чет тилларини қунт билан ўрганаётган ўқувчиларнинг ўзлаштириш қобилияти устида ишлашнинг педагогик усуллари қўрсатиб берилди.







Тренинг давомида чет тилини ўқитиш юзасидан муаммо ва камчиликлар муҳокама қилиниб, таклифлар билдирилди.





Семинар якунида мактабнинг **"Янги аср ёшлари"** тўгараги аъзолари томонидан байрам дастури иштирокчилар эътиборига ҳавола этилди.